Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 11 январь, № 6 (8349) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

САНОАТ РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 10 январь куни саноатни ривожлантириш ҳамда қўшимча захираларни аниқлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли бандлигида саноат жуда катта ўрин тутади. Бу соҳага зарур шароит яратиш мақсадида сўнгги йилларда 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зонаси ташкил этилди, уларнинг инфратузилмасига 10 триллион сўм йўналтирилди. Шунингдек, тўқимачилик, кимё, қурилиш материаллари, чарм, фармацевтика, электр техникаси каби тармоқларни драйверга айлантириш учун 3 миллиард долларлик молиявий ресурслар ажратилди. Саноатни хомашё билан таъминлаш учун геология-қидирув ишлари 3 баробар кўпайтирилиб, 600 тадан зиёд янги конлар аниқланди.

Натижада охирги беш йилда саноат корхоналари сони 2 баробар кўпайиб, 100 мингтага етди, ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баравар кўпайди.

Бу ҳудудлар ривожига ижобий таъсир қилмоқда. Жумладан, Жиззахда илгари бўлмаган қурилиш материаллари, автомобилсозлик, озиқ-овқат саноати каби янги тармоқлар пайдо бўлди. Биргина қурилиш материаллари бўйича 220 та лойиҳа ишга туширилиб, вилоят саноатида бу соҳанинг улуши 20 фоиздан ошди.

Самарқанд, Сирдарё, Наманган ва бошқа ҳудудларда металлни қайта ишлаш бўйича 19 та йирик лойиҳа амалга оширилган. Наманганда ташкил этилган 54 та янги кичик саноат зонасида 2022 йилда 3 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Кимё саноатида охирги уч йилда ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар, экспорт эса 2 баравар ошган.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда натижалар имконият даражасида эмас. Хусусан, 2022 йилда Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятларида саноат ўсиши кўнгилдагидек бўлмаган. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразмда ипкалавани қайта ишлаш даражаси пастлигича қолган. Наманган, Самарқанд ва Навоийда озиқ-овқат, чарм-пойабзал, мебель ишлаб чиқариш салоҳияти етарлича ишга солинмаган.

Шу боис йиғилишда жорий йилда саноатни ривожлантириш, соҳага инвестицияларни кўпайтириш ва захираларни ишга солиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари саноат учун янги имкониятлар ва қўшимча молиявий ресурслар берилишини таъкидлади.

Биринчи имконият — банк нормативлари қайта кўриб чиқилиб, тижорат банкларида корхоналарга кредит ажратиш учун қўшимча 55 триллион сўм ресурслар таъминланади. Бу — битта туманда ўртача 20 миллион долларлик инвестицияга қўшимча манба дегани.

Иккинчи имконият — 2023 йилда саноат зоналари ва йирик инвестиция лойиҳалари инфратузилмаси учун 1,7 триллион сўм йўналтирилади. Шунингдек, “Гиждувон” ва “Қўқон” эркин иқтисодий зоналари ҳудуди кенгайтирилади. Қорақалпоғистон ва Қашқадарёда “Ургут” эркин иқтисодий зонасининг филиаллари ташкил этилади.

Учинчи имконият — 2023 йилдан бошлаб, иқтисодий ривожланиши орқада бўлган тўртинчи ва бешинчи тоифадаги 60 та туманга 27 турдаги солиқ имтиёзи, субсидия ва преференциялар берилганидир.

Тўртинчи имконият — гиламчилик, уй текстили, чарм ва заргарлик тармоқлари учун тақдим этилаётган енгилликлар. Унга кўра 2023 йилда тўқимачилик лойиҳаларига қўшимча 300 миллион доллар йўналтирилади. Чарм-пойабзал саноатида 200 дан ортиқ турдаги импорт хомашё бўйича божхона имтиёзлари уч йилга узайтирилади. Заргарларга хомашёни чегирма билан сотиб олиш имконияти ҳамда солиқ, божхона ва банк имтиёзлари берилади.

Президентимиз бу имкониятларни аҳоли ва тадбиркорларга етказиб, жойларда лойиҳаларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Саноат зоналарида 1 минг 264 та лойиҳа ишга туширилиши айтилди. Шунингдек, Навоий вилоятида 6-гидрометаллургия заводини ҳамда Олмалиқда 3-мис бойитиш фабрикасини ишга тушириш, Андижонда замонавий қуюв цехини ва Чирчиқда қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини тўлиқ қувватга чиқариш ҳам муҳим вазифалардан.

Мутасаддиларга саноат кооперациясини кенгайтириб, 6 миллиард долларлик маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш, ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган 3 мингга яқин лойиҳаларни вақтида ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Умуман, барча манбалар эвазига жорий йилда саноатни 14 фоизга ошириш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан саноат тармоқлари раҳбарлари ва ҳокимлар ўз режа ва таклифларини билдирди.

ЎзА.

Халқ билан мулоқот

ҲАР БИР МАҲАЛЛАНИ ҚАМРАБ ОЛАЁТГАН ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР

Президентимиз топшириғи асосида тузилган Республика ишчи гуруҳининг Хатирчи туманидаги фаолияти амалий ишларга бой бўлди.

Туманнинг 70 та маҳалласидаги 37 минг 470 дан зиёд хонадонлар, 1 минг 270 та ижтимоий-иқтисодий объектдаги ўрганишларда аниқланган масалаларнинг 3 минг 310 таси жойида ҳал этилган бўлса, қолган муаммолар бўйича аниқ муддат ҳамда масъуллар белгиланиб, ижроси назоратга олинди.

Бу жараёнда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан оғир “Ангидон”, “Қўрғонтепа”, “Мирдош”, “Оқтепа”, “Сарой”, “Каттасой”, шунингдек, мурожаатлар кўп келиб тушган Алишер Навоий номидаги, “Олтинсой”, “Тасмачи”, “Уйшун” сингари қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳолининг энг бирламчи ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ қатор масалалар ҳам ҳал қилинди.

3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Бир йиллик фаолият:

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА ГАЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Кеча парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисида”ги масала кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида Қонунчилик палатасининг фаолияти мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан янада ривожлантириш, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг кўламли вазифалар, халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада самарали таъминлашга қаратилган мақсадларга мувофиқ Қонунчилик палатаси депутатлари мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларнинг ташаббускори бўлди.

Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Конституциявий комиссия ва унинг органлари фаолияти йўлга қўйилиб, конституциявий ислоҳотларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ишлари комплекс тарзда ташкил қилинди. Бош қомусимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Конституциявий қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида депутатлар томонидан қуйи палатага киритилганлиги, лойиҳанинг умумхалқ муҳокамасидан ўтказилганлиги депутатлар корпусининг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётида масъулияти янада ошганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, ҳисобот даврида қонун ижодкорлиги, парламент назоратини амалга ошириш, депутатларнинг сайлов округларидаги ишларини самарали ташкил этиш, мурожаатлар билан ишлаш, халқаро парламентлараро алоқаларни ривожлантириш йўналишларидаги ишларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Қонунчилик палатаси фаолиятига янги амалиётлар, тартиб-таомиллар кириб келди, бу эса депутатлар корпуси фаолиятига янгича мазмун-моҳият бағишлади.

2

ҲУДУДЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда бўлиб, Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022 — 2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси самарадорлиги юзасидан ўрганишлар олиб бормоқда.

Ўрганиш

Хусусан, сенатор Фарахат Саъдуллаева иштирокида Янгибозор туманида ўтказилган ўрганиш давомида 16 та объектда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари кўздан кечирилди. Бу жараёнда Шоирлар маҳалласидаги кўчаларга жами 6 км. узунликдаги шағал ётқизилгани ва бу “Монолит Лойиҳа қурилиш” МЧЖ томонидан лойиҳалаштирилиб, “Ботир Техник” МЧЖ томонидан бажарилгани маълум қилинди. Манғитлар маҳалласида эса ичимлик суви қувурларини ётқизиш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, ўрганиш давомида Гурлан туманидаги Навбаҳор ва Обод маҳаллаларида ичимлик суви ва электр энергияси таъминотини яхшилаш масалалари қандай ҳал этилаётганига ҳам эътибор қаратилди.

Маълум бўлишича, Навбаҳор маҳалласида 6 км. узунликдаги сув қувурини ётқизиш ишлари давом эттириляпти. Туманнинг Обод маҳалласи Янги ҳаёт кўчасида янги трансформатор ўрнатиш ва 46 та симёғочни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

«Халқ сўзи».

Бугун инсоният янги таҳдидлар бўсағасида турибди. Дунё аҳолиси кўпайишда давом этяпти, табиий ресурслар захираси эса муттасил қисқармоқда. Бундай диспропорция мамлакатларни танг аҳволга солиб қўяётгани ҳақиқат. Аввало, глобал экологик муаммоларнинг кескинлашувини кузатяпмиз. Биз яшаётган Марказий Осиёда сўнгги 30 йилда ўртача йиллик ҳарорат тахминан бир даражага кўтарилди. Инчунин, минтақамиздаги асосий дарёларнинг ҳавзаси ва биологик хилмахилликнинг қисқариб бораётгани жиддий хавотир уйғотмоқда. Буғланиш даражасини оширадиган газлар ва атмосферанинг кенг миқёсда ифлосланиши муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда. Бугунги кунда “яшил тараққиёт” борасидаги мақсадларга эришиш учун давлатларнинг ҳаракатлари янада фаол ва самарали бўлиши кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти. Бошқа чорамиз ҳам йўқ.

Таҳлил

Экологик соф ва тежамкор технологиялар

Экспертлар вазиятни ўнглаш учун жаҳон иқтисодиётида “яшил тараққиёт” тамойилларини жорий этиш зарурлигини таъкидламоқда. Мазкур ёндашув БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган. Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида 2023 йилда амалга ошириладиган вазифалар ҳақида фикр юритилиб, табиатни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши кераклиги айтилди. Бу борада мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича саъй-ҳаракатлар, хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларнинг янада кучайтирилиши таъкидланди.

4

Сенатор ва ҳаёт

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСЛИГИ ЗАРУР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси, сенатор У. Жалменов иштирокида Амударё туманида “аёллар дафтари”нинг кейинги босқичини ташкил этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган учрашув ташкил этилди.

Тадбирда туман секторлари раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш ҳамда касаба уюшмаси туман бўлимлари етакчилари қатнашди.

Учрашувда “аёллар дафтари” билан ишлаш тизимининг IV босқичи билан боғлиқ долзарб масалалар батафсил таҳлил қилинди. Жумладан, барча маҳаллада тегишли ишчи гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш ва улар ҳар бир хонадонга кириб, анкета-сўровномаларни тўлдириши зарурлиги алоҳида қайд этилди. Айни чоғда навбатдаги босқичда аввал мазкур дафтарга киритилмаган хотин-қизларга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги айтилди. Зеро, бундан кўзланган мақсад ижтимоий ҳимояга муҳтож биронта ҳам хотин-қиз четда қолмаслигини таъминлашдан иборатдир.

Учрашувда кўриб чиқилган вазифалар юзасидан мутасаддиларга зарур тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ШАРАФЛИ БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Ватанпарварлик ёшларда фуқаролик бурчи, шахсий масъулият ҳисси, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини, фаол ҳаётий позиция ва қатъий эътиқодни, касбий маҳоратни шакллантирадиган қудратли восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча замонда бу масалага жиддий эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, хусусан, Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида ёш ҳарбий хизматчилар, чақирилувчилар ҳамда чақирув ёшидаги ўғил-қизларда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, она юрт тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларни ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етук кадрлар этиб тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 2022 йил январь ойида Мудофаани бошқариш миллий марказида бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида таъкидлаганидек, жаҳон ахборот маконида кескин кураш кетаётган ҳозирги вазиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг психологик тайёргарлиги ва жанговар руҳини мустаҳкамлаш долзарб вазифадир.

3

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2023 йил 11 январь

Давра суҳбати

ГЕНДЕР ТЕНГЛИККА ОИД СТАТИСТИКА ВА ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШ МЕХАНИЗМИ

Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида 2030 йилга қадар Гендер тенгликка эришиш стратегиясининг 2021-2022 йиллар учун мўлжалланган чора-тадбирлар режасида белгиланган бандлар ижросига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Давлат статистика қўмитаси ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг мазкур масалага доир ҳисоботлари эшитилди. Айни чоғда Давлат статистика қўмитаси вакиллари томонидан ишга туширилган Gender.stat.uz ва Siat.uz веб-сайтлари тақдимоти ўтказилди ва гендерга оид статистик маълумотлар беріб ўтилди.

Мазкур веб-сайтларда гендер тенглиги бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва БМТ томонидан белгиланган гендер кўрсаткичларнинг минимал тўплами ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан гендер тенглигига асосланган бошқа кўрсаткичлар асосидаги маълумотлар уч тилда жойлаштирилган.

Тақдимотда 2022 йил 1 октябрь ҳолатига кўра аёллар эгалик қиладиган хусусий корхоналар 38 фоизни, судьялар орасида хотин-қизлар 13,4, бошқарув лавозимларида фаолият юритаётган опа-сингилларимиз кўрсаткичи эса 27,7 фоизни ташкил этгани қайд этилди. Айни чоғда хотин-қиз фан докторлари 731, фан номзодлари 2427, фалсафа докторлари 1545 нафар экани ҳамда интернетдан фойдаланадиган аёллар 72,6 фоизни ташкил этиши айтиб ўтилди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, “Аёллар ва эркаклар статистик тўплами” йиллик даврийликда икки тилда нашр этилади. Уни тайёрлашда 550 мингдан зиёд юридик шахслар тақдим этган статистик ҳисоботлар, танланма кузатув маълумотлар ҳамда вазирлик ва идоралар маълумотларидан фойдаланилган.

Шу билан бирга, тадбир давомида Инновацион ривожланиш вазирлиги вакилларининг “Steam” йўналишида таҳсил олаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бажарилган ишлар бўйича ҳисоботи эшитилди.

Якунда хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда фаоллигини ошириш борасида ҳамкорликда ишлаш механизмини яратиш бўйича келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ҚАТЪИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Бугунги кунда педагогларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга ноқонуний жалб этиш ҳолатлари учраётгани ачинарлидир. Бундай ҳолатларнинг давом этаётгани ҳар қандай онгли кишини ўйлантиради, мушоҳадага чорлайди.

Таҳлилларга кўра сўнгги уч йилда 350 нафарга яқин педагог мажбурий меҳнатга жалб этилган. Бу эса мактабларда педагогларнинг таълим бериш жараёнларига тўлиқ тайёрланиш, ўқувчиларга сифатли таълим бериш ишларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида юқоридаги муаммолар ечими ўз ифодасини топгани эътиборга молик.

Хусусан, қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасида ва Жиноят кодексининг 148^2-моддасида таълим муассасасининг педагог ходимини мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 197^5-моддасига таълим муассасаси педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш учун белгиланган маъмурий жазо чоралари кучайтирилябти. Жумладан, таълим муассасаси педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланяпти.

Ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солиш ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш каби жазолар қўлланиши белгиланяпти.

Сирасини айтганда, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати юксак эътирофга муносиб. Зеро, устоз — билим билан бирга чин инсонийлик дарсини берувчи зот. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, шубҳасиз, педагог ходимларнинг мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни янада кучайтириб, устозларнинг баркамол авлод тарбиясидаги фаолияти самарадорлигини янада ошириши, айни чоғда жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаши билан аҳамиятлидир.

Гайрат АБДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

АВВАЛ ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ, КЕЙИН РАТИФИКАЦИЯ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан халқаро конвенцияларни ратификация қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси томонидан ноёб тажриба қўлланилмоқда. Яъни халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари дастлаб миллий қонунчиликка имплементация қилиниб, шундан кейин ратификация қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг 148-сонли Конвенциясида белгиланган талаблар янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодексининг меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ XIII боби, Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг ўндан ортиқ моддалари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, “Атмосфера ҳавосини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва 300 дан ортиқ меҳнатни муҳофаза қилишга оид қоидалар ва меъёрлар, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланган.

Парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлисида “Халқаро меҳнат ташкилотининг ишчиларни иш жойида ҳаво ифлосланиши, шовқин ва тебраниш туфайли вужудга келадиган касбий хавф-хатардан ҳимоялаш тўғрисидаги 148-сонли Конвенциясини (Женева, 1977 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам обдан муҳокама қилинди.

ХМТнинг 148-сонли Конвенцияси ратификация қилиниши, миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти ҳужжатларида белгиланган иш жойида ҳаво ифлосланиши, шовқин ва тебраниш туфайли вужудга келадиган касбий хавф-хатарларнинг олдини олиш, аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги халқаро стандартларнинг самарали жорий этилиши ва бажарилишига хизмат қилади.

ХМТга аъзо давлат у ёки бу конвенцияни ратификация қилганда ундаги қоидаларни миллий қонун ҳужжатларида ва амалиётда қўллаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Шундан келиб чиқиб, ушбу конвенциянинг ратификация қилиниши меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ҳамда текширувини амалга оширувчи органлар, шунингдек, касаба уюшмалари, ва албатта, иш берувчилар масъулиятини оширади.

Шу нуқтаи назардан, бу борада биз, депутатлар сайлов округларидаги фаолиятимизда, назорат-таҳлил тадбирларида конвенция талаблари бажарилишининг ижро этилиш ҳолатларини ўрганиб, масъул давлат органлари билан муҳокама қилиб боришимиз лозим бўлади.

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Бир йиллик фаолият:

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА ГАЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

1

Хусусан, қонунларнинг мазмун-моҳиятини содда ва тушунарли тарзда аҳолига етказиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти вакиллари томонидан нормаларнинг тўғри қўлланиши ва талқин қилинишини таъминлаш мақсадида қонунларнинг кириш қисмида уларнинг мазмун-моҳиятини, масаланинг долзарблигини очиб берувчи муқаддималари баён этиш амалиёти жорий қилинди. Шунингдек, қонун лойиҳаларини қўмиталар ва сиёсий партиялар фракцияларида кўпроқ муҳокама қилинишига устувор аҳамият берилди.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган қонунлар

Сиёсий хилмахиллик, кўппартиявийлик, масалаларни эркин муҳокама қилиш ва жамоа бўлиб ҳал этиш тамойилларига асосан, ҳар бир қонун лойиҳаси ёки масалани сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишларида дастлабки тарзда кўриб чиқилмасдан туриб Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритмаслик принципи қатъий қоида сифатида ўрнатилди.

Ўтган даврда 88 та қонун, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масаласига оид Қонунчилик палатасининг 3 та қарори қабул қилиниб, маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Хусусан, бутун бир соҳани тартибга солувчи, давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган, халқимиз фаровонлигини оширишга, аҳолига енгилликлар яратишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги, “Давлат қарзи тўғрисида”ги, “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги, “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги, “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Депутатлар корпусининг қонун ижодкорлиги фаолияти жонланди. Сайловчилар томонидан кўтарилган масалалар ҳамда фуқароларнинг мурожаатларидан келиб чиқиб депутатлар ташаббуси билан 13 та қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилди.

Кейинги йилларда парламентга берилган ваколатлар ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан таъсирчан назоратни амалга оширишда, давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилашда депутатлар корпусининг иштирокини сезиларли даражада оширди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастури ва Давлат бюджети ижроси юзасидан ҳисоботлари ҳар чоракда атрофлича кўриб чиқилди. Бу Ҳукуматнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини янада ошириш, Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назоратни кучайтириш билан бирга, депутатларнинг ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ҳисобот йилида илк бор Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузаси Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилди.

Ўтган даврда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларининг бажарилиши, инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши, халқаро йўналишда қабул қилинган “йўл хариталари”да белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Ҳукумат аъзолари ва тармоқ раҳбарларининг ҳисоботлари мунтазам равишда эшитиб борилди.

Сайлов округларидаги учрашувларга оид статистик маълумотлар

Жойларда аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалалар, фуқаролар мурожаатларидаги муаммоларни ҳал этиш, мансабдор шахсларнинг қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасидаги фаолияти устидан парламент назоратининг таъсирчанлиги оширилди.

Халқаро алоқалар йўналишида олиб борилган ишлар

Шундан келиб чиқиб, ҳисобот даврида Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан йигирма маротаба ахбороти эшитилди, саккиз маротаба “Ҳукумат соати” ўтказилди ҳамда ўн бешта парламент сўрови ва 310 та депутат сўрови юборилди.

Депутатларнинг ҳар ой охирги ҳафтасида бевосита сайлов округларига чиқиб сайловчилар билан тизимли мулоқотини кучайтириш, жойларда мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, тезкорлик билан бартараф этиш масалаларига устувор мақсадлардан бири сифатида қаралди.

Бунда депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, учрашувлар самарадорлигини оширишда Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округидаги ёрдамчиси институти жорий этилгани муҳим роль ўйнамоқда.

Ўтган даврда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳам янгича асосларда ташкил этилганини эътироф этиш жоиз. Қонунчилик палатасига йўлланган мурожаатларда кўтарилган тизимли муаммоларни ишчи гуруҳ тузган ҳолда ўрганиб, ҳал этиш амалиёти кенгайтирилди. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш юзасидан маҳаллий Кенгашлар депутатларининг Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорлик қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Хорижий давлатлар парламентлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро парламентлараро ташкилотлар фаолиятида Олий Мажлиснинг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда уларда Ўзбекистоннинг ташаббусларини илгари суриш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Ҳозирда 55 та парламентлараро ҳамкорликдаги тузилма ҳамда “Ўзбекистон — Европа Иттифоқи” парламент ҳамкорлиги қўмитасидаги Олий Мажлис делегацияси самарали фаолият юритмоқда.

Мажлисда палата фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар илгари сурилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Истеъмолчилар учун қўшимча имкониятлар

Мажлисда “Истеъмол кредитини ажратиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда молиявий истеъмол кредитлари учун талаб ортиб бориши, бироқ Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган товарлар (хизматлар)га молиявий истеъмол кредит ажратилиши амалдаги қонун билан чекланган.

Шу боис мамлакатимиз аҳолисининг таълим олиш, меҳнат қилиш ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида улар зарур бўлган барча истеъмол товарлари (хизматлари) билан тўлақонли таъминлаш кўзда тутилган.

Шунингдек, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ва истеъмолчи фуқаролар учун қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан тақдим этилаётган молиявий истеъмол кредитидан фойдаланиш механизми қайтадан кўриб чиқилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг ҳаётга татбиқ этилиши орқали юртимизда ишлаб чиқарилмайдиган товарлар (хизматлар)ни истеъмол кредити орқали харид қилиш имконияти яратилади.

Мажлисда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилиб, ушбу ҳужжат қабул қилинди.

Турли ёндашувларга чек қўйилади

Парламент қуйи палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида — “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси суд амалиётида вужудга келаётган муаммоларни бартараф этиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилди. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар билан “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонунни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш назарда тутиляпти.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд амалиётида вужудга келаётган муаммоларни бартараф этишга, турли ёндашувларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик

Мажлисда “Халқаро меҳнат ташкилотининг ишчиларни иш жойида ҳаво ифлосланиши, шовқин ва тебраниш туфайли вужудга келадиган касбий хавф-хатардан ҳимоялаш тўғрисидаги 148-сонли Конвенциясини (Женева, 1977 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу Конвенция 47 та давлат томонидан ратификация қилинган. Хусусан, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия каби Европа давлатлари, МДҲ мамлакатларидан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон Республикалари ва Россия Федерацияси шулар жумласига киради.

Конвенциянинг ратификация қилиниши иш жойларида меҳнат шароитларини, жумладан, зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини, меҳнат жараёнларининг оғирлиги ва тиғизлигини ҳамда асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш, шунингдек, меҳнат шароитларини қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлаштириш мақсадида иш ўринлари меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказилишини назарда тутади.

Депутатларнинг айтишича, мазкур Конвенцияга қўшилиш Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари ҳамкорлигида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга жорий этиш бўйича изчил чораларни кўришга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қизғин кечган баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Мажбурий меҳнат: жавобгарлик кучайтирилади

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида амалга оширилаётган ишларга қарамай педагогларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга ноқонуний жалб этиш ҳолатлари учраб турибди. Бу каби нотўғри амалиётнинг шаклланганини мактабларда педагогларнинг таълим бериш жараёнларига тўлиқ тайёрланиш, ўқувчиларга сифатли таълим бериш ишларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларига таълим муассасасининг педагог ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, ўқитувчиларнинг иш самарадорлигини ошириш ва лавозим мажбуриятига кирмайдиган вазифаларга жалб этиш жараёнларига барҳам бериш орқали педагогларнинг жамиятда нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларида педагогларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, уларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш учун маъмурий жазо чораларини кучайтириш таклиф этиляпти.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши таълим муассасасининг педагог ходимини мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни янада кучайтириш баробарида, жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисда депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди, лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича асосли таклифларни илгари суришди. Баҳс-мунозаралардан сўнг ушбу ҳужжатнинг бугунги кундаги зарурати ва аҳамияти эътиборга олиниб, депутатлар томонидан қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ШАРАФЛИ БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

1 Шу муносабат билан Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳарбийлар ва мамлакат ёшларини маънавий-ахлоқий қадриятларга ҳурмат ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари янги сифат босқичига кўтарилди. Йил давомида ҳарбий қисмлар, таълим муассасалари, меҳнат жамоаларию маҳаллаларда уюшган ва уюшмаган ёшлар ҳамда миллий армиямиз сафларидаги ёш авлод вакиллари билан ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни тизимли ташкил этиш, бу ишларни фаоллаштириш ва юксак даражага кўтариш ишлари "Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!" деган концептуал ғоя асосида олиб борилди.

Ҳарбий хизматчилар ва ёшлар билан фан, маданият ҳамда санъат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар, буюк саркарда ва алломаларимизнинг илмий меросларини ўрганишга бағишланган давра суҳбатлари, семинарлар, интеллектуал ўйин ва викториналар, кино, театр ва музейларга ташрифлар, тарихий обидалар ҳамда диққатга сазовор жойларга экскурсиялар ташкил этилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус бўйича қўшинларда интеллектуал, спорт ва санъат тўгараклари фаолияти йўлга қўйилди, маънавий-маърифий ишлар соҳасида турли йўналишларда кўрик-танловлар ташкил этилди. Тошкент шаҳрида илк бор ШҲТ давлатлари ҳарбий оркестрлари иштирокида "Тинчлик навоси" халқаро фестивали ўтказилди.

Қўшинлар шахсий таркиби ва мамлакатимиз ёшлари ўртасида уюштирилаётган маънавий-маърифий тадбирлар билан бир қаторда, тарбиявий ва мафкуравий ишлар йўналишида офицерлар ҳамда мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, дунё ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият ҳолатларидан келиб чиқиб, уларнинг малакасини ошириш бўйича ҳам тегишли чоралар кўрилмоқда. Қабул қилинган қарор ва дастурлар асосида 2022 йилда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 80 нафар, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти малака ошириш курсида 80 нафар, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 60 нафар, Давлат хавфсизлик хизмати академиясининг "Чуқур диний билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш маркази"да 10 нафар тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицерининг таҳсил олиши таъминланди.

Миллий армиямиз — ёшлар нигоҳида

Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали ижро этиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида "Миллий армиямиз — ёшлар нигоҳида" шиори остида маҳаллаларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Унга мувофиқ, алоҳида уюшган ва уюшмаган ёшлар билан 2022 йилнинг олти ойи давомида 14 та маъмурий ҳудуд бўйича маҳалла, ҳарбий қисм ва муассасаларда ватанпарварлик, маънавият, маданият ва ҳуқуқий саводхонлик йўналишларида манзилли тадбирлар ўтказилди. Маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ҳар бир ҳудуд бўйича аҳоли ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фуқаролик позициясини кучайтириш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланди. Унга мувофиқ, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик тарбия йўналишида қатор тадбирлар ташкил қилиниб, уларга 1 миллион 200 мингдан зиёд ёшлар жалб этилди.

Профилактик ҳисобда турган, уюшмаган, тарбияси оғир ҳамда жиноят ва ҳуқуқбузарликка мойил ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш ва бандлигини таъминлаш мақсадида "Эр йигитнинг эр йигитга айтган гапи таъсирли бўлади" деган ғоя остида 20 маротаба "Ёш ватанпарварлар йиғини" ўтказилди ва уларда 1 300 дан ортиқ уюшмаган ёшлар қамраб олинди.

Бундан ташқари, март — июнь ойларида умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида уч босқичли ҳамда маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар билан тўрт босқичли "Мудофаа вазирининг кубоги" учун "Ватанпарварлар" ҳарбий спорт мусобақалари ташкил этилди.

Мудофаа вазирлиги масъул этиб белгиланган республика бўйича 410 та умумтаълим мактаби, 26 та Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда манзилли дастурлар асосида 1 200 дан зиёд ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари ўтказилди ва бу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Ўқувчиларда ватанпарварлик туйғуси қандай тарбияланмоқда?

"...Буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди сингари ватанпарвар, жасоратли аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, уни халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш барчамизнинг бурчимизга айланиши лозим".

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимда айтган бу сўзлари тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицерлари учун дастуриламалга айланди. Мудофаа вазирлиги томонидан янги концепция асосида 120 та умумтаълим мактабида

"Амир Темур" ва "Жалолиддин Мангуберди" тематик синфлари, 164 та ватанпарварлик синфи янгидан ташкил этилди. Мазкур синфлар улуғ саркардаларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ зарур кўргазмали воситалар билан таъминланди.

Айтиш жоизки, қўшинларимиз таркибида хизмат фаолияти давомида сафдошларига ўрнак бўлган, жанговар топшириқларни бажаришда муваффақиятларга эришган, ўз касби сир-синоатларини мукаммал эгаллаган ўнлаб ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган. Уларнинг аксарияти халқаро майдонлардаги мусобақаларда, куч тузилмалари ҳамда қўшинлар ўртасида ўтказилган танловларда шарафли ўринларни эгаллаб, юртимиз байроғининг юксакларга кўтарилишига сабабчи бўлишган. Ана шундай йигитларимиз таълим олган 500 дан ортиқ умумтаълим мактабларида ҳарбий хизматни намунали ўтаб, юқори натижаларга эришган, давлат мукофотлари билан тақдирланган ҳарбий хизматчилар фаолиятига бағишланган "Мактабимиз фахри" номли тарғибот бурчаклари барпо этилди ва бу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан Мудофаа вазирлиги ҳузурида ташкил этилган "Ватан таянчи" болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати ўқувчи-ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, улар қалбида Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуларини уйғотишда муҳим ўрин тутмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўтказилган тарғибот тадбирлари натижасида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари раҳбарлигида 170 минг яқин 10-11-синф ўқувчиларидан иборат "Ватан таянчи" отрядлари ташкил этилди.

Юксак жанговар руҳ — аскарнинг енгилмас кучи, армиянинг қудратидир

Миллат руҳи, одамзоднинг озодлик сари интилиши абадийдир. Шу маънода, жасур саркарда ва давлат арбоби Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур, Спитамен, Муқанна, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ аждодларимизнинг ҳаёт йўли бизга ибратдир. Бу инсонлар ҳам ҳукмдор, ҳам енгилмас қўшинларнинг қўмондони эди. Улар ўз даврида қўшиннинг кундалик таълим-тарбияси, жанговарлик ҳолатини таъминлаб беришга йўналтирилган жуда кўп ишларни амалга оширишган. Хусусан, Жалолиддин Мангуберди Чингизхонга қарши курашда қулликдан кўра ўлимни, мағлуб бўлишдан кўра имон-эътиқодни юқори қўйиб, ўз қўшинидаги ваҳима ва қўрқувни йўқота олган. Шу боис Жалолиддин Мангуберди қўшинидаги ватанпарвар жангчиларнинг бемисл қаҳрамонлиги инсоният иродаси ва бардошининг, Ватанга тикилган жонларнинг бетакрор тимсоли бўлган.

Амир Темур даврида ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ҳолати билан шуғулланадиган махсус лавозимлар жорий қилинмаган бўлсада, барча поғонадаги ҳарбий мансабдорлар ўз бўйсунувидаги ҳарбий хизматчиларнинг, яъни лашкарнинг таълим-тарбияси бўйича иш олиб борган. Бу хусусда тарихчи олимлар "Темур тузган қўшин ўзининг стратегик ва тактик маҳорати билан ўша даврнинг энг мукаммал ва кучли армияси ҳисобланган, хусусан, қўшиннинг руҳий тарбияси, қўшин таркиби, бошқарув шакли унинг жанг олдидан саф тузилиши ва жойлаштирилиши юқори даражада ташкиллаштирилган эди", дейишади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларини эслаш ўринли: ***"Бир фикрни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак: армияни моддий жиҳатдан барча замонавий зарур техника ва жиҳозлар, қурол-яроғлар билан таъминлаш мумкин. Аммо шахсий таркиб маънавий жиҳатдан заиф бўлса, яъни аскар ва офицерларимизда жанговар руҳ, Ватанга меҳр ва садоқат, унинг тақдири учун масъулият бўлмаса ёки уларнинг ўртасида бепарволик ҳукм сурса, бундай ҳолат ниҳоятда нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин".***

Дарҳақиқат, шундай. Қўшиннинг жанговар руҳини кўтариш, садоқатини намоён қилишнинг усуллари кўп, аммо бу ишга тизимли ёндашилмаса, етарли даражадаги самарага эришиш қийин. Шу боис 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан "Юксак жанговар руҳ — аскарнинг енгилмас кучи, армиянинг қудратидир!" деган концептуал ғоя асосида Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш, турли мураккаб ва оғир шароитларда яшовчанлигини, кучли жисмоний ва руҳий босимларга бардошлилигини ҳамда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш бўйича янги тизим яратилди.

Махсус бўлинмаларда 20 та ҳарбий психолог лавозими жорий қилинди. Келгуси ўқув йилидан бошлаб Қуролли Кучлар академиясида "Ҳарбий психология ва педагогика" таълим йўналиши бўйича офицер кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилиши белгиланди. Айни чоғда академияда Миллий ифтихор ва ватанпарварлик, Ҳарбий психология кафедралари ташкил этилди. Кичик командирларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарликни ташкил этиш қўнникмаларини шакллантириш бўйича ҳарбий таълим муассасаларида малака ошириш курслари жорий этилди.

Шунингдек, давлат-хусусий шериклик тамойили асосида биринчи маротаба "Psixosfera" амалий психология марказида 50 нафар соҳа мутахассисининг малакаси оширилди.

Армияда қўшинлар мадҳияси, жанговар қўшиқлар, жанговар чақириқ ва шиорларни кенг жорий этиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий армиямизнинг шаклланиши ва ривожланиши даврида ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш борасидаги ишларни тартибга солувчи бу каби бирорта қонунчилик ҳужжати қабул қилинмаган.

Мазкур қарор натижасида Қуролли Кучлар тизимида ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш ишларида ягона ёндашув қарор топди.

Замонавий шароитлар, кенг имкониятлар

Қўшинларда ҳарбий хизматчилар ва оилаларининг ижтимоий ҳимоясига доир кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳукумат қарори билан Мудофаа вазирлиги қўшинларида бу борадаги ишлар самарадорлиги оширилди, хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассисларга ҳар ойлик лавозим маоши миқдорининг 100 фоизигача миқдорда устама тўланиши йўлга қўйилди.

2022 йилда 800 нафар ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоқлари мономарказларда ўқитилиб, касбга йўналтирилди. Бугунги кунда ҳарбий хизматчилар рафиқаларининг 400 нафари тадбиркорликка жалб этилган. Ҳарбий шаҳарчаларда 125 та тикувчилик цехининг фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига республика олий таълим ва олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун имтиёзли тавсияномалар берилиши мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда. 2022 йилнинг ўзида уларнинг 985 нафарига имтиёзли тавсияномалар берилган бўлса, 715 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган.

2022 йилнинг ёз мавсумида Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 1 939 нафар ҳарбий хизматчи фарзандларининг имтиёзли дам олишлари ташкил этилди. Айтиш жоизки, қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилган Мудофаа вазирлигининг "Тонг" болалар оромгоҳи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган танловда энг намунали деб топилди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини имтиёзли кредитлар асосида уй-жой билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳам давом эттирилиб, 2022 йилда 1 200 нафар ҳарбий хизматчига кўп қаватли уйлардан хонадонлар тақдим этилди.

Республика миқёсида ўтказилган маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича олиб борилган тизимли ишлар натижасида 2021-2022 йилларда "Энг намунали вазирлик ва идора" танловида Мудофаа вазирлиги фахрли 1 ва 2-ўринларни эгаллади.

Ҳар қайси замонда ҳам профессионал армияни шакллантиришнинг асосий воситаларидан бири тарбиявий ва мафкуравий ишларни тўғри йўлга қўйиш, ҳарбий хизматчилар ҳамда ёшларнинг маънавий-руҳий билими ва тайёргарлигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш эканлиги ўз исботини топган. Зеро, қўшинларнинг куч-қудрати унда хизмат қилаётган оддий аскар, сержант ҳамда офицерларнинг мустаҳкам иродаси, фидойилиги, она юртга муҳаббати ва садоқати билан белгиланади.

Ҳамдам ҚАРШИЕВ,
мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, полковник.

ҲАР БИР МАҲАЛЛАНИ ҚАМРАБ ОЛАЁТГАН ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР

1 Айтайлик, Олтинсой ҳамда Алишер Навоий номидаги маҳаллалардаги икки кўчада 3,85 км. пиёдалар йўлакчасини қуриш ишлари тугалланиб, 171 дона тунги ёритиш чироқлари, Навбаҳор маҳалласидаги кўп қаватли саккизта уйнинг кириш йўлакларига эса қуёш панелли ёритқичлар ўрнатилди.

Самарқанд, Наврўз каби маҳаллалардаги 354 та эскирган симёғочлар темир устунларга алмаштирилган бўлса, Гулистон, Чоштепа қишлоқларидаги электр тармоғи янгиланиб, юқори қувватли трансформатор ўрнатилди. Табиий газ етиб бормаган тоғли ҳудудларда яшовчи аҳоли хонадонларига кўмир, газ баллонлари етказилди, газ жиҳозлари техник кўрикдан ўтказилди.

Олтинсой, Бахшижар маҳаллаларида янги кўприклар қурилиб, фойдаланишга топширилиши, Қўшчинор, Зарбдор, Урганжи маҳаллаларидаги 19,9 км. лой кўчалар тош йўлга айлантирилиши билан аҳолининг узоғи яқин, йўли равон бўлди.

Хатирчидаги оғир турмуш шароитига тушган хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, ҳудудда қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, кам таъминланган аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш учун маҳаллий бюджетдан 4,3 млрд. сўм ажратилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида 110 нафар мурожаатчига 2,9 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ажратиш бўйича ижобий тавсиялар берилган бўлса, улардан 57 нафарига 1,1 млрд. сўм кредит берилиши таъминланди. Ишсиз юртдошларимиздан 66 нафари доимий ишга жойлаштирилган бўлса, 110 нафарининг ўзини ўзи банд қилишига эришилди. Оғир шароитдаги бир қатор оилалар уй-жойлари ички имкониятлар ҳисобидан таъмирланди.

Чуқурлаштирилган тиббий кўриклар натижасида хасталик аниқланган инсонлардан 232 нафари туман, 39 нафари вилоят шифохоналарига даволаниш учун ётқизилди, 474 нафар беморга бепул дори-дармонлар ажратилди.

Бу каби эзгу ишлар туманнинг ҳар бир маҳалласини қамраб олди. Асосий мақсад — халқ розилигини таъминлаш, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш бўлиб, Республика ишчи гуруҳининг Хатирчи туманидаги фаолияти ҳам айни шу хайрли мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

«Халқ сўзи».

ФАРОВОНЛИК ВА ҚУТ-БАРАКАНИНГ ОППОҚ ЭЛЧИЛАРИ

Қор — қишнинг зийнати, қут-барака, фаровонлик ва тўкинлик элчиси.

Ўтган тунда бошланиб, кеча пешингача тинмай ёққан — янги 2023 йилнинг илк қори, бу — йилимизнинг серҳосил, сербарака ва қутлуғ келишидан нишона. Шаҳару қишлоқларимиз оқликка буркангани, далаю қир-адирларга оппоқ пойандоз тўшалгани, дарахтлар пардек юмшоқ "кўрпа"га ўрангани — буларнинг барчаси жонажон юртимизга, халқимизга аталган беғубор ва беминнат туҳфадир.

Фазлиддин АБИЛОВ олган сурат.

Бугуннинг гапи

Қор ёғса, энг аввал, болалар қувонади, кексалар дуога қўл очиб, Яратганга шукроналар айтади. Айниқса, деҳқоннинг юз-кўзидан мамнунлик аримайди. Чунки қор кўп ёққан йили мева-чева мўл бўлади, полизу сабзавот маҳсулотларидан тортиб, пахтаю ғалладан баракали ҳосил олинади. Бу жиҳатдан қанча қувонсак, арзийди. Аммо қор ўзи билан изғирин совуқни ҳам олиб келиши табиий. Яъни ерлар яхмалак бўлиб, транспорт воситалари қатновини секинлаштиради. Совуқ об-ҳаво иссиқлик ва электр узатиш тизимларида носозликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. "Қишнинг бир куни ҳам қиш", деганларидек, фаслнинг жуда қаттиқ келиши хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ходимларини ҳам шошириб қўйиши табиий ҳол.

— 9-10 январь кунлари Ўзбекистон ҳудудига Россиянинг Европа қисми шимолий ҳудудлари устида шаклланган совуқ ҳаво массаси кириб келиши бошланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази матбуот котиби Мунисахон Асилхўжаева. — Биласиз, 10 январь куни мамлакатимиз ҳудудининг катта қисмида қор ёғди. Шу боис тоғолди ва тоғли ҳудудларнинг баъзи жойларида қорбўрон кучли бўлади. 11 январда фақат марказий ва шарқий ҳудудларда қор ёғиши сақланиб туради. Кейинчалик ҳафта охиригача Ўзбекистоннинг барча ҳудудида асосан ёғингарчиликсиз об-ҳаво бўлиши кутилмоқда.

М. Асилхўжаеванинг айтишича, совуқ ҳавонинг кириши Ўзбекистон бўйича ҳароратнинг сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлади. Ҳафтанинг ўртасига келиб, ҳаво ҳарорати кечалари 12 — 17 даража совуқ, баъзи жойларда 20 даражагача, кундуз кунлари эса 5 — 10 даража совуқ, баъзи жойларда 12 даражагача пасаяди. Энг кучли совуқ республика шимолида — кечалари 20 — 25 даража, Устюртда ва Навоий вилоятининг чўл ҳудудларида 27 — 30 даражагача, кундуз кунлари 7 — 12 даража совуқ бўлиши кутилмоқда.

Умуман, ушбу ҳафтанинг охиригача аномал (ғайритабиий) совуқ об-ҳаво сақланиб туради.

Ўзбекистон бўйича энг паст ҳаво ҳарорати сўнгги марта 2008 йилнинг январь ойида қузатилган. Республикамиз ҳудуди бўйича ҳарорат 17 — 22 даража, баъзи жойларда 24 — 26 даража совуқ, Қорақалпоғистон Республикаси ва чўл ҳудудларида эса ҳарорат 30 — 33 даражагача пасайиши қайд этилган. Ўша йили Тошкентда минимал ҳарорат 17,4 даража совуқни ташкил этган бўлса, 1972, 1973, 1974 ва 1977 йилларда республикамизнинг баъзи жойларида янада қаттиқ совуқ қузатилган. Бу йилларда мамлакатимизнинг шимоли ва чўл ҳудудларида ҳарорат 33 — 38 даража совуқ бўлган. Тошкентда 1974 йилнинг январь ойида ҳаво ҳарорати 18,6 даражагача пасайиши қайд этилган.

Қиш қишлигини қилиши табиий ҳол. Аммо изғиринли кунларда ҳам аҳолига электр ва иссиқлик узатишда муаммолар юзага келмаса, транспорт қатновида қулайлик бўлиши учун музламаларнинг олди олинса, тиббиёт ва бошқа соҳаларда намунали хизмат ташкил этилса, албатта, ҳаёт ўз маромида давом этади.

Сўзимиз якунида ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам халқимизнинг кайфияти юқори, руҳи тетик бўлишини тилаб қоламиз. Зотан, совуқ кунлар, изғиринли қиш ортидан илиқ кунлар, кўклам фасли бошланади...

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2023 йил 11 январь

«ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ»

– ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ

1

Бинобарин, 2019 йилда Ўзбекистон “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси”ни қабул қилди. Яқин ўн йилда мамлакатда углерод сарфини кескин камайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоғида экологик тоза ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш Ўзбекистонга кўплаб бонуслар олиб келади. Шу боис соҳадаги ислоҳотларни бошлаб берган 2019 йилги Стратегияни ўз вақтида қабул қилгани жуда тўғри қарордир. Мамлакатимиз раҳбарияти пандемиядан олдинги макроиқтисодий кўрсаткичларни тиклаш ҳамда келгуси йилларда янада юқори ўсиш суръатларига эришишни мақсад қилган. Ўз навбатида, мамлакатда аҳоли сони ва даромадлари кўпаймоқда. Бундай шароитда, турган гапки, энергетика ресурсларига бўлган талаб ҳам ортади. “Яшил иқтисодиёт”нинг муҳим компоненти қайта тикланадиган энергия манбаларини яратиш ва фойдаланиш ҳисобланади. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг салоҳияти анча юқори.

Халқаро молиявий институтларнинг ҳисоб-китобига қараганда, республикада муқобил энергия (айниқса, қуёш энергияси)нинг йиллик захираси 270 миллион тонна шартли ёқилғи эквивалентига тенг. Бу реал эҳтиёжимиздан уч карра кўп. Боз устига “яшил энергетика” соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистонда яқин ўн йилда қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 3 баробардан зиёдга кўпайтириш имконини беради. Бу иқтисодиёт учун мислсиз фойдадир.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, Ўзбекистон углеводород энергияси — нефть, газ, кўмирдан фойдаланиш ҳисобига ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг камида 4,5 фоизини йўқотмоқда. Қолаверса, мамлакатдаги энергия ишлаб чиқарувчи қувватларнинг салкам ярми эскирган. Уларни тиклаш ёки модернизациялаш катта маблағни талаб қилади. Бунинг ўрнига ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан самарали ҳисобланган “яшил энергетика”га ўтиш минг чандон афзал. Ахир бутун дунё шу йўлни танлаяпти. Эътиборлиси, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларидан биринчи бўлиб мазкур ҳаракатга қўшилди. Моҳиятан олиб қараганда, уч йил аввал қабул қилинган “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси” юртимизнинг мақсад сари юз бурганини англатади.

Албатта, “яшил иқтисодиёт” фақат энергетика соҳасини ислоҳ қилишдан иборат эмас. Унинг ичига тоза ичимлик суви муаммолари, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалигидаги инновациялар, барқарор шаҳарлар, чиқиндиларни оқилона бошқариш, ўрмон ҳудудларини кенгайтириш, чўлланишни қисқартириш каби кўп қиррали ва кенг тармоқли чора-тадбирлар кириб кетади. Яна бир муҳим масала. “Яшил иқтисодиёт”дан давлат ёки бизнес эмас, балки, энг аввало, оддий одамлар фойда кўради. Унинг ижтимоий аҳамияти ҳам шунда.

Жаҳон тажрибасидан маълум бўлишича, иқтисодиётнинг турли тармоқларида “яшил технологиялар”ни жорий этиш аҳолининг яшаш сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада шаҳарлардаги ҳаёт қулайлашади, болалар ўлими қисқаради, ўртача умр кўриш давомийлиги узаяди. Лотин Америкаси ва Африканинг айрим минтақаларида эса ташқи миграция оқимлари қисқариб, инсон капиталининг ривожланиши кузатилган.

Муқобил энергия учун ҳуқуқий нормалар керак

Унутмаслик керакки, Ўзбекистон БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадлари ҳамда Иқлим бўйича Париж битимига ҳам қўшилган. Париж битими доирасида биз 2030 йилга бориб, ҳавога зарарли газлар чиқаришни 10 фоизга камайтириш мажбуриятини зиммамизга олдик. Ҳар иккала ҳужжат миллий ҳукуматлар зиммасига “яшил тараққиёт” талабларини бажариш мажбуриятини юклайди. Демак, эртами-кечми “яшил иқтисодиёт”га барибир ўтишимиз керак.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишда турли интенсивликдаги ички ва ташқи муаммолар юзага келиши муқаррар. Уларга тайёр туриш ва ўз вақтида бартараф этиш учун ҳам стратегия қабул қилинди. “Яшил иқтисодиёт”га ўтишдан аввал миллий қонунчиликни аудитдан ўтказиб, жаҳон талабларига мослаштириш ҳамда ягона тизимга келтириш зарур. Баъзи давлатлар ишни амалиётдан бошлаб, кейин қонунчилик базаси билан шуғуллангани боис қўшимча муаммоларга дуч келган. Бундай хатолик ўтиш жараёнини секинлаштиради.

“Яшил тараққиёт”нинг драйвери бўла оладиган энергетика, илм-фан ва инновациялар, туризм каби соҳаларга доир қонунларимизда номувофиқликлар, бир-бирини инкор этувчи жиҳатлар талайгина. Ҳужжатларнинг ўзи ҳам жуда кўп. Айтайлик, электр энергиясини истеъмолчига етказиб бериш, нархнавони белгилаш ва тўловни амалга ошириш механизмлари амалдаги анъанавий тизимга мослаб яратилган. Муқобил энергия манбалари билан ишлаш имконини берадиган ҳуқуқий нормалар эса мавжуд эмас. Масалан, қуёш ёки бошқа турдаги қайта тикланадиган энергияни ким ва қанча миқдорда ишлаб чиқаради, у аҳолига қай тартибда, қандай тариф бўйича етказиб берилади? Бу каби саволларга ойдинлик киритиб, қонун ҳужжатларида акс эттириш ва шу аснода янги бозор субъектлари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб бориш зарур. Иккинчи муҳим масала “яшил иқтисодиёт”га ўтишда давлат қайси молиявий инструментлардан фойдаланмоқчи эканини аниқлаб олишдан иборат. Чунки дастлабки босқичда иқтисодиёт тармоқларига мўмай инвестиция киритишга тўғри келади.

Одатда корхона ва ташкилотлар, аҳолининг турли қатламларига муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнида углерод сарфини камайтириш, “яшил технологиялар”ни қўллаш ва тегишли асбоб-ускуналар харид қилиш учун имтиёзли ёки фоизсиз кредитлар, субсидия ҳамда грантлар, солиқ имтиёзлари тақдим этилади. Ўз навбатида, бунга банк-молия тизими ҳам хайрихоҳлик кўрсатиши, банклар БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари билан боғлиқ бизнес-лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиши жуда муҳим.

Юқорида келтирилган молиявий кўмак инструментлари, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектларига татбиқ этилса, мақсадга мувофиқдир. Сабаби улар бозор конъюнктурасидаги ҳар қандай ўзгаришга ниҳоятда сезгир бўлиб, янги рақобат муҳитига мослаша олмаслиги мумкин. Йирик корхоналарда эса “ҳимоя ёстиқчаси” мавжуд. Шу боис баъзи компаниялар “яшил иқтисодиёт”га ўтишда қийналмайди. Жуда бўлмаса, маҳсулот ёки хизматлар турини диверсификациялаш ҳисобига эҳтимолли рискларни минималлаштириши мумкин.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишда асосий роль ўйнайдиган иқтисодиёт тармоқларини белгилаб олиш ҳам долзарб масала. Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестиция киритиш айни муддао. Бундан ташқари, машинасозлик, автомобилсозлик саноатидан ҳам катта самара кутса бўлади. Қисқача айтганда, давлат қайси соҳани, қачон ва қандай қилиб “яшил иқтисодиёт”га ўтказишни ҳозирдан ҳал қилиб олиши зарур.

Табиатда сиёсий чегаралар бўлмайди

Яқин истиқболда “яшил тараққиёт”нинг интеллектуал кучи ҳисобланган малакали кадрлар етишмовчилиги муаммосига ҳам тўқнаш келамиз. Ўзбекистон олдида шундай мутахассисларни тайёрлаш вазифаси кўндаланг турибди. Бу ишга ҳозирдан киришмасак, келгусида хорижий давлатларга қарам бўлган ҳолда яна катта харажатга тушаверамиз.

“Яшил иқтисодиёт”га тезроқ ва нисбатан оғриқсиз ўтиш учун илм-фан ва инновацияларни жадал ривожлантириш зарур. Чунки бу турдаги иқтисодиёт, авваламбор, илм-фан ютуқлари ҳамда самарали инновацион ечимларга таянади. Биргина мисол, охирги ўн йилда дунё миқёсида қуёш энергиясидан фойдаланиш харажатлари 80 фоизга қисқарди. Мазкур тенденция давом этмоқда. Нега? Чунки олимлар, муҳандис ва технологлар мавжуд ускуналарни такомиллаштириш, янгиларини яратиш, таннархини туширишнинг бўйича тинмай изланяпти. Бундай тадқиқотларни Ўзбекистон ҳам кучайтирмоғи даркор. Токи инновацион маҳсулотларни ҳадеб хориждан экспорт қилмай, ўзимизда ишлаб чиқарайлик.

Экологик мувозанатни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби масалалар Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари учун долзарб. Табиатда сиёсий чегаралар бўлмайди. Айтайлик, “яшил энергетика” тизими ёки атроф-муҳитга зиён етказмайдиган ишлаб чиқариш қувватларини яратишдан нафақат Ўзбекистон, қўшнилар ҳам ютади. Шу нуқтаи назардан умумманфаатли стратегик режаларга таяниб, биргаликда ҳаракат қилганимиз маъқул. Бироқ “яшил иқтисодиёт”га ўтиш-ўтмаслик ҳар қайси республиканинг мустақил иши. Ўзбекистон ўз қарорини қабул қилиб бўлди. Энди соҳа ривожи учун ҳуқуқий ҳамда институционал пойдевор ҳозирлаб, локал лойиҳаларни амалга оширишга киришилмоқда. Бунга ўн, балки йигирма-ўттиз йил талаб қилинар. “Яшил иқтисодиёт”ни муваффақиятли жорий эта олган Скандинавия мамлакатлари тажрибасини ўргансак арзийди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон “P4G” йўналишидаги шерикликка қўшилишга тайёр эканини билдирди. “Яшил ўсиш” ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик” (P4G) яқин йиллар ичида илгари сурилган йирик халқаро ташаббус ҳисобланади. Уни “яшил ривожланиш” йўлини танлаган мамлакат ва шаҳарларнинг ўзига хос клуби дейиш ҳам мумкин. Ҳозир лойиҳанинг ўндан ортиқ аъзолари бор. Мазкур платформа доирасида иштирокчилар “яшил иқтисодиёт”га ўтишга ёрдам берадиган инновацион ечимлар яратиш борасида ўзаро ҳамкорлик қилади.

“P4G” институционаллашган тузилма бўлиб, бир қатор нуфузли халқаро бирлашмалар, молиявий институтлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Унинг ёрдамида Ўзбекистон “Яшил иқтисодиёт” стратегияси”ни амалга ошириш учун зарур инвестицияларни жалб қилиши мумкин. “Яшил иқтисодиёт”, аввало, оддий халқнинг манфаатлари ва истиқболига хизмат қилишини таъкидлаш жоиз. “P4G” йўналишидаги шерикликка қўшилишимиз пировард натижада ўзбекистонликлар турмуш тарзининг яхшиланиши, ҳаёт сифатининг ортиши, шаҳарларнинг яшаш учун қулайлашуви, минтақамизда экологик мувозанатнинг тикланиши ва бошқа кўплаб ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Ривожланишнинг глобал тенденцияси

Шу ўринда савол туғилади. “Яшил ривожланиш” Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини ошира оладими? Бугун бу ҳаракат бутун дунёда трендга айлангани, йирик компаниялар, трансмиллий корпорациялар ўз фаолиятида “яшил ривожланиш” тамойилларини татбиқ этаётгани, улар корпоратив имижини сақлаб қолиш учун атайин Барқарор ривожланиш мақсадларига содиқлигини намоён этаётгани сабабли “яшил ўсиш” йўлини танлаган мамлакатлар халқаро ташкилотлар ҳамда бизнес доираларнинг эътиборини тортмоқда. Ташқи кредитор ва инвесторлар ушбу давлатларга сармоя киритишни маъқул кўряпти. Ўзбекистоннинг “яшил иқтисодиёт”га ўтаётгани дунё ҳамжамияти учун муҳим сигналдир. “Яшил тараққиёт” борасидаги мақсадларимиз рўёбига қаратилган муҳим сармоявий лойиҳаларни йирик донор ташкилотлар, хусусан, илғор ва етакчи компаниялар молиялаштириш истагини билдирмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2021 йил 16 — 18 декабрь кунлари Корея Республикасига амалга оширган расмий ташрифи барча соҳалар қатори пандемиядан кейинги даврда иқлимнинг барқарор келажагига эришиш, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш йўлида янги жиҳатлар ва ҳамкорликни белгилаш учун “ноёб имконият” бўлди. Боиси бугунги кунда Корея Республикаси дунё давлатлари орасида ривожланишда “яшил иқтисодиёт” тамойилига ўтган лидер давлатлардан бири бўлиб қолмоқда. Анъанавий ривожланиш моделининг беқарорлиги иқтисодиётни трансформация қилишнинг янги ривожланиш концепциясини излаб топишга йўл очмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг анъанавий моделидан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш нафақат алоҳида миллий иқтисодиётни, балки бутун сайёра барқарорлигини белгилайдиган глобал тенденциядир. Ҳозирда “яшил ўсиш” кўплаб давлатларнинг мақсади, глобал экологик муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсиясига кўра, давлатлар ўз ялпи ички маҳсулотининг ҳеч бўлмаганда 1 фоизини “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга йўналтириши лозим. Бу кўрсаткич АҚШ, Швеция, Италия ва бошқа иқтисодий ривожланган мамлакатларда 1 фоиздан ошмаган бир пайтда Кореяда 3 фоизни ташкил этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йилда Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Глобал яшил ўсиш институтига аъзо бўлди. Юртимиз Париж битими доирасида 2030 йилга қадар парник газларни атмосферага чиқаришни 10 фоизга қисқартириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни мунтазам бажариб келмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг Корея билан ҳамкорлиги “яшил иқтисодиёт”ни таъминлаш учун халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шериклик муносабатлари орқали инновацион “яшил инвестиция”ларни рағбатлантириш, иқтисодиётга экологик тоза технологияларни тўлиқ жорий этиш каби мақсадларга қаратилган. Ҳозирги кунда Корея билан тузилган “янги курс” лойиҳасининг асосий элементи бўлган рақамли ва “яшил” соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ўзаро англашув меморандуми асосида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва ҳудудларни ривожлантириш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида “ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепцияси қўлланилаётгани ҳам алоҳида аҳамиятли. Бу борада Корея Республикасининг бой тажрибасидан фойдаланиш ушбу мақсадларда белгиланган миллий марраларни самарали амалга ошириш имкониятларини яратади.

Президентимиз 2021 йил май ойида Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030” иккинчи халқаро саммитидаги нутқида “яшил” ва барқарор тараққиётга хизмат қиладиган самарали қарорлар қабул қилиш учун халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини таъкидлаган эди. “Ривожланаётган мамлакатлар учун яшил энергетика” мавзуида халқаро конференция ўтказиш, шунингдек, “яшил истеъмол маданияти”ни шакллантириш мақсадида “яшил иқтисодиёт”ни барпо этишга ёшларни жалб қилиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббуслар ўзаро ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзуидаги халқаро конференцияда ҳам Президентимиз томонидан минтақадаги таҳдидлар ва имкониятлар, барқарор ривожланиш бўйича 10 та асосий ташаббус илгари сурилган эди. Ушбу ташаббуслар ичида иқлим ўзгаришига мослашиш, минтақада “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш, келгусида Орол денгизи қуриши каби муаммоларга йўл қўймаслик ҳамда ўзаро ва БМТ билан ҳамкорликда ҳудудда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир масалалар алоҳида кўрсатиб ўтилганди.

Дунё яшилликка интилмоқда

Бугунги кунда эса иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидларга комплекс жавоб қайтариш мақсадида кўплаб давлатлар қаторида Ўзбекистон томонидан Париж битими қабул қилинган. Саноатлаштиришнинг жадаллашиб бориши, аҳоли сонининг кескин ортиши ҳамда иқтисодиётнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжининг сезиларли даражада ошиши жараёнларида Корея амалиётидаги “яшил иқтисодиёт” принципларини фаоллаштириш нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақани барқарор ривожлантириш имкониятларини беради.

Таъкидлаш жоизки, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоғида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш мақсадида “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги қарори муҳим аҳамиятга эга.

Қарорга кўра, иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда сув тежовчи суғориш технологиясини жорий этиш, йилига 200 миллион туп кўчат экиш ва кўчатларнинг умумий сонини 1 миллиард туптан ошириш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоиздан ортиқроққа кенгайтириш, республика ўрмон фонди захиралари кўрсаткичини 90 миллион куб метрдан ортиқроққа етказиш, ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоиздан ошириш кўзда тутилмоқда.

“Яшил технологиялар”ни кенг жорий этиш ҳисобига Орол денгизи ҳалокатининг глобал оқибатларини камайтиришга эришиш мумкин. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон шериклари билан, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида тузилган махсус Траст фонди ҳамда “P4G” платформаси доирасида фаол ҳамкорликни йўлга қўймоқчи. Ўзбекистоннинг ташаббуси асосида Орол денгизи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида БМТнинг махсус резолюцияси қабул қилиниши бу йўлдаги муҳим қадам бўлди. “Яшил энергетика”ни ривожлантириш орқали углерод ёқилғисига боғлиқликдан қутулишга интилмоқдамиз. Ўзбекистонда қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш давом эттирилмоқда. Яқин ўн йил давомида қайта тикланадиган энергия манбалари улушини уч баробар кўпайтириш мақсад қилинган.

Хулоса шуки, анъанавий иқтисодиётдан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. У экологияни асраш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг молиявий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш кафолатидир.

Гулнора АБДУРАҲМАНОВА,
ТДИУ Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

“Яшил иқтисодиёт” фақат энергетика соҳасини ислоҳ қилишдан иборат эмас. Унинг ичига тоза ичимлик суви муаммолари, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалигидаги инновациялар, барқарор шаҳарлар, чиқиндиларни оқилона бошқариш, ўрмон ҳудудларини кенгайтириш, чўлланишни қисқартириш каби кўп қиррали ва кенг тармоқли чора-тадбирлар кириб кетади. Яна бир муҳим масала. “Яшил иқтисодиёт”дан давлат ёки бизнес эмас, балки энг аввало, оддий одамлар фойда кўради. Унинг ижтимоий аҳамияти ҳам шунда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 141. 20 214 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6